

Бухорода III Нақшбандия туризм фестивали бошланди



12:52 / 27.02.2023 1023

III Нақшбандия туризм фестивали иштирокчилари дастлаб Бухоро бўйлаб саёҳат қилди.

Фестиваль доирасида Бухорога ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг ислом дини уламолари ва “Нақшбандия” тариқати намоёндаларидан иборат делегация аъзолари шаҳардаги Пойи Калон ансамбли, Мир Араб мадрасаси, савдо тоқлари, Лаби ҳовуз каби маданий мерос объектларини томоша қилди. Фестивалнинг иккинчи куни Етти Пир қадамжолари бўйлаб зиёрат амалларини бажаришдан иборат бўлади.

Унда Индонезия, Бангладеш, Малайзия, Франция, Хитой ва Россия каби давлатлардан ташриф буюрган 100 га яқин диний уламолар иштирок этмоқда.

Манба: <https://t.me/Mirarabuz>